



INDUSTRIAL ENTERPRISES OF SAMARKAND DISTRICT (LATE XIX AND EARLY XX CENTURIES)

Irisqulov Olimjon Jaxongirovich¹, Tursunqulov Fozilbek Narziquil o'g'li²
Associate Professor, Samarkand State University, Doctor of Philosophy in History
(PhD)¹, Samarkand State University, Department of History of Uzbekistan, II-stage
master²

<https://doi.org/10.5281/zenodo.4897879>

ARTICLE INFO

Received: 20th May 2021
Accepted: 25th May 2021
Online: 30th May 2021

KEY WORDS

Factory, factory,
transformation, un
tegirmoni, buttermilk
plantationasi, manufactory,
yoʻz backwaters

ABSTRACT

This article describes the transformation processes in the economic life of Samarkand during the reign of the Russian Empire on the basis of sources and scientific literature. Also, the activities of industrial enterprises, products and their role in economic life were analyzed. The growth dynamics and volume of industrial enterprises in Samarkand district are also mentioned.

САМАРҚАНД УЕЗДИНИНГ САНОАТ КОРХОНАЛАРИ (XIX АСР ОХИРИ–XX АСР БОШЛАРИ)

Ирисқулов Олимжон Жаҳонгирович¹, Турсунқулов Фозилбек Нарзиқул ўғли²

¹ Самарқанд давлат университети доценти, тарих фанлари бўйича фалсафа доктори(PhD)

² Самарқанд давлат университети Ўзбекистон тарихи кафедраси II-босқич магистранти

MAQOLA TARIXI

Qabul qilindi: 20-May 2021
Ma'qullandi: 25-May 2021
Chop etildi: 30-May 2021

KALIT SO'ZLAR

Завод, фабрика,
трансформация, ун
тегирмони, пахта
плантацияси,
мануфактура, ёғ заводи

ANNOTATSIYA

Ушбу мақолада Россия империяси ҳукмронлиги даврида Самарқанд иқтисодий ҳаётидаги трансформация жараёнлари манбалар ва илмий адабиётлар асосида баён қилинган. Шунингдек, саноат корхоналари фаолияти, ишлаб чиқарилган маҳсулотлар ва уларнинг иқтисодий ҳаётдаги ўрни таҳлил қилинган. Самарқанд уезди саноат корхоналарининг ўсиш динамикаси ва ҳажми ҳам келтириб ўтилган.

Самарқанддаги ижтимоий-иқтисодий ҳаёт ўзининг ранг-баранглиги билан Туркистоннинг бошқа минтақаларидан алоҳида ажралиб турар эди. Бунга кўплаб тарихчилар ва рус истилочи маъмурлари ҳам гувоҳлик беради[1.130].

Самарқанддаги дастлабки хусусий

ишлаб чиқариш корхоналари XIX аср 70-йилларида вужудга келган. 1868 йилда савдогар Филатов томонидан Самарқандда маҳсулот хажми кам бўлса-да биринчи вино ва пиво тайёрловчи завод куриб ишга туширилган.

Филатовнинг вино заводи 1881 йилда 1200, 1890 йил 16000 ва 1900 йилда 20000



челак вино ишлаб чиқарган[2.278]. Саноатчи Филатовга 1900 йилга келиб Самарқанд вилоятидаги 2 та вино, 1 та коньяк-вино ва 1 та спирт ишлаб чиқарувчи завод тегишли бўлган.

Н.Вирскийнинг таъкидлашича Самарқандда етиштириладиган узум навларининг кўплиги, серҳосил, мазалилиги 1869 йилдан бошлаб бу ерда мусаллас, вино ичимликларини ишлаб чиқаришни ривожланишига сабаб бўлган. Самарқанд ерларини топографик, географик, ирригацион ва иқлим хусусиятларининг қулайлиги саноатнинг бу турини равнақ топишига шароит яратган. Ҳаттоки, Самарқанд ҳарбий губернатори Н.Я.Ростовцев 1895 йили вино ишлаб чиқариш ва улар Россия экспорт қилиш шуғулланганлиги маълум. Саноатнинг бу турининг ривожланиши натижасида XX аср бошларига келиб Туркистон ўлкаси бозорларидан Россиядан келтирилиб сотиладиган спиртли маҳсулотлар сиқиб чиқарилган.

Амалиётчи – техник Лямин 1879 йили Самарқанд шаҳрида Сиёбсой дарёси ирмоқларининг бирида Самарқанд-Тошкент йўлида сув тегирмонини курган. Бу тегирмоннинг нархи 26000 рубль бўлган. 1880 йилдан бошлаб Лямин тегирмони юқори сифатли ун ишлаб чиқара бошлади. Бу тегирмон кунига 1000 пуддан ун етказиб бера олган[3] Лямин тегирмонида 7,5 пуд буғдойни қайта ишлаб ун қилиш учун 50 тийин ҳақ тўланган. Маҳаллий тегирмонларда эса шунча буғдойни унга айлантириш учун 85 тийин ҳақ олинган. Лямин томонидан саноатнинг бу янгилик жиҳатларини киритилишининг аҳамиятини англаб подшо маъмурияти йирик саноат майда касаначиликни инқирозига сабаб бўлаётганлигини ҳамда мазкур

кўринишдаги саноат янгиликлари маҳаллий мулкдорларни ҳам жиддий ҳаракатларига сабаб бўлаётганлигини эътироф этганлар.

Темир йўлининг ишга тушиши натижасида Туркистон ўлкасининг барча ҳудудлари саноат ишлаб чиқариш соҳасида ишлаб чиқарувчилар фаолиятини умумлашуви ва тизимлашуви содир бўла бошлади. Аста-секинлик билан саноатчилар битта ёки бир нечта эмас, балки кўплаб завод ва фабрикалар очишга ҳаракат қила бошладилар. Вилоят, шу жумладан, шаҳар саноатида ишлаб чиқариладиган маҳсулотлар ва ишчиларнинг сони йил-сайин ошиб борган. 1893 йилда вилоятда 51 та саноат корхонасида 805 та ишчи фаолият юритиб, бу корхоналарда 3054697 рубл хажмдаги маҳсулот ишлаб чиқарилган бўлса[4.108-111], 1913 йилга келиб корхоналар 117 тага, ишчилар сони 2814 тагча, ишлаб чиқарилган маҳсулот хажми эса 10129773 рублга тенг бўлган[5.127].

1893 йилги Самарқанд вилоятининг саноати тўғрисидаги империянинг маҳаллий ҳукумати расмий маълумотида қуйидаги фикрлар келтирилади. Вилоятда саноат корхонлари сони 1892 йилдагига нисбатан кўпайган. Бунга сабаб айрим соҳалар: коньяк ишлаб чиқариш, вино ишлаб чиқариш, ароқ ишлаб чиқариш билан шуғулланувчи 5 та корхона ўз фаолиятини тўхтатган. Лекин, пахта билан боғлиқ саноат корхоналари ишлаб чиқариш хажми бўйича етакчи, кейинги ўринда вино ишлаб чиқарувчи корхоналар, навбатда озиқ-овқат саноати (ўн маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи) корхонлари маҳсулот хажми ва ривожланиш суръатлари бўйича биринчи ўринда бўлишган. Қўй терисига ишлов бериш, ипак маҳсулотлар ишлаб чиқариш билан шуғулланувчи завод ва фабрикалар



маҳсулот хажми қисқарган. Бунга сабаб, ипак хомашёси ҳосили кам бўлганлиги ва унинг нархини ошиб кетиши бўлган. Бироқ, ичакка ишлов берувчи корхоналар маҳсулдорлиги ошган. Чунки, улар маҳсулотига Германия саноатида талаб ошиб борган[6]. Бундан хулоса қилиш мумкинки, Туркистон ўлкаси, шу жумладан, Самарқандда етиштирилаётган хомашё, ишлаб чиқарилган маҳсулотлар рус савдогарларининг воситачилигида Европа ва бошқа жаҳон бозорларида ҳам ўз харидорларига эга бўлиб борар эди.

Самарқанддаги саноат корхоналарининг сони кейинги йилларда ҳам ошиб бораверган. 1900 йилга келиб биргина Самарқанд уездида саноат корхоналарининг сони 65 та бўлиб, улар 1 та ғишт заводи, 9 та теридан ва 3 та ичакдан маҳсулот ишлаб чиқарувчи корхона, 4 та ароқ-спирт ишлаб чиқарувчи, 22 та вино тайёрловчи, 1 та пиво тайёрловчи, 11 та пахта тозаловчи, 5 та ун ишлаб чиқарувчи, 1 та макарон ишлаб чиқарувчи, 3 та мева ва сабзавотлардан ичимликлар тайёрловчи, 1 та спирт тозаловчи, 1 та қатлам пахта тайёрловчи, 3 та хромо-типо-литография (нашриёт) корхоналар бўлган. Мазкур завод ва фабрикаларда жами 3741523 рубл маҳсулот етиштирилган ва 933 нафар ишчи меҳнат қилган. Ана шу пайтда вилоят бўйича жами 87 та саноат корхонасида 1372 нафар ишчи меҳнат қилган ва 6090506 рубл ҳажмдаги маҳсулот ишлаб чиқарилган[6].

1905 йилга келиб уезддаги жами саноат корхоналарининг сони 77 тага етган. Улар қуйидагилар эди: 2 та ғишт заводи, 1 та кўрғошин буюмлар ясовчи завод, 11 та теридан маҳсулот тайёрловчи ва 2 та ичакка ишлов берувчи, 2 та коньяк тайёрловчи, 3 та ароқ-спирт ишлаб чиқарувчи, 1 та спирт тозаловчи, 22 та

вино ишлаб чиқарувчи, 1 та пиво тайёрловчи, 8 та пахта тозаловчи, 4 та тегирмон, 1 макарон ишлаб чиқарувчи, 4 та мева ва сабзавотлардан ичимликлар тайёрловчи, 13 чой қадоқловчи, 2 та хромо-типо-литография (нашриёт) ишлаб чиқарувчи ва маҳсулотлар тайёрловчи завод ва фабрикалар мавжуд бўлган. Улар томонидан ишлаб чиқарилган умумий маҳсулот хажми 9596770 рубл қийматига тенг эди[7].

Ўтган саккиз йил давомида саноат маҳсулотларининг хажми деярли уч баробар ўсганини, ундан ташқари, айрим саноат корхоналарини янгидан очилгани ва янги маҳсулот турлари вужудга келганлигини кўзатамиз.

Кўриниб турганидек, Самарқандда саноат тармоқлари вужудга келиши билан кескин тараққиётни бошдан кечирмаган. Лекин, 1888 йилдан бошлаб, Самарқандни темир йўл тармоғига уланиши натижасида бу ҳудудда саноат ривожини янги куч билан ривожлана бошлаган. Темир йўл тармоғининг ўтказилиши ва саноат ривожини ўз-ўзидан нафақат ўлка, балки империя иқтисодиётининг ривожига бир ҳисса бўлиб қушилган. Чунки, аксарият маҳсулотлар хомашёни дастлабки қайта ишлови натижасида вужудга келган тайёр хомашё шаклида бўлиб, улар Россия империясининг марказий ҳудудларидаги йирик саноат корхоналари учун хомашё етказиб беришга ихтисослашган эди.

XIX аср охирларида пахтачиликнинг тобора ривожланиб бориши пахта тозалаш заводларининг пайдо бўлишига олиб келди. 1892 йилга тегишли маълумотларга кўра, Самарқандда 16 та **пахта тозалаш заводи** бўлиб, улардан 4 таси буғ, 6 таси сув двигатели ва 6 таси от ёрдамида ишлаган. 1892 йилнинг ўзидаёқ бу заводларда 623000 пуд пахта тозаланиб, 177.440 пуд пахта толаси олинган. Шу



йили пахтани тозалаш ва тойлаш учун 1 пудига 27 тийиндан 45 тийингача иш ҳақи берилган.

Пахта етиштиришнинг кўпайиши пахта заводларининг сони ортишига олиб келган. М.Вирскийнинг таъкидлашича, 1896 йили заводлар сони 20 га етиб, улардан 6 таси буғ, 3 таси мотор, биттаси от, 10 таси сув билан ишлаган ва улар қуйидаги уездларда жойлашган: Самарқанд уездида 8 та, Каттакўрғон уездида 6 та, Хўжанд уездида 5 та ва Жиззах уездида битта. Шулардан ун биттаси туб аҳоли ва яхудийлар, 5 таси руслар, 3 таси «Рус биродарлиги» фирмаси, биттаси афғон миллатига мансуб кишиларники эди[8.22].

Пахта тозалаш заводлари пахта етиштирувчи худудлардан узокда жойлашган бўлиб, бу маҳсулот таннархи ошишига олиб келган. Заводлар орасида йирик фирмаларга тегишли корхоналар анча яхши жихозланган, бошқалари ночор холда эди[9.75-76]. Устига-устак заводлар мустаҳкам қилиб қурилмаганди. Чунки, заводларга жўнатилган жин(чигитдан пахтани ажратадиган машина)лар минутига 300-400 марта тез айланиб, толани узилган холда чиқарарди. Бунга сабаб жинларнинг жуда тез айланиши бўлган. Завод эгалари пахтани тезроқ тозалаб ва тойлаб жўнатишга шошилардилар. Завод эгаларининг шошма-шошарлик билан иш тутишлари толанинг сифатсиз чиқишига олиб келган.

XX аср бошида Самарқанд уездида: Москвалик фабрикант Болиннинг 8 жинли, молиявий қиймати 70.000 рублга тенг бўлган, буғ билан ишлайдиган заводи бўлган. Унда 1 пуд пахтани тозалаш 8 тийинга, 1 пуд тола олиш 11 тийинга тушган. Электр чироклари, кондиционер ўрнатилган, шаҳар темирйул вокзалига

яқин жойлашган. Инженер Е.Мендеранинг керосин билан ишлайдиган 2 жинли мотори бўлган заводи. Кондиционер ўрнатилган ва тойлаш гидравлик усулда амалга оширилган. Биринчи заводга яқин жойлашган. Шаҳарнинг маҳаллий қисмида бозор яқинида жойлашган савдогар Коузовнинг уч жинли кондиционерли сув билан ишлайдиган заводида тойлаш қўлда бажарилган. Омборлари кам бўлганлиги учун чигит ва тола айвонларда сақланган. Бир пуд пахтани тозалаш 7 тийинга тушган. Заводнинг баҳоси 12.000 рублга баҳоланган[8.22].

XIX аср охирларида Самарқанд вилояти Туркистон генерал-губернаторлигининг иқтисодий ва савдо маркази сифатидаги мавқеини сақлаб қолди.

Завод ва фабрикалар ривожини билан биргаликда маҳаллий саноат турлари ҳам ривожланиб борган. Самарқандда қадимдан ипакчилик ва ипак газламалар ишлаб чиқариш юқори суръатларда ривожланган эди. XIX асрнинг 60-70 йилларидан бошлаб дастлабки энгил саноат корхоналари вужудга келган. Бу йилларда қорамол, туя ва эшак териларидан турли маҳсулотлар ишлаб чиқарилган. Самарқанд вилояти бўйича энгил саноат кўпроқ Хўжанд уездида кенг ривожланган. 1896 йили Самарқанд вилоятида пилла етиштириш билан шуғулланганлар сони 8779 кишини ташкил этган[10.61]. Самарқанд уездида уларнинг 972 таси фаолият юритар эди. XIX аср 70-йилларига келиб самарқанд шаҳрининг маҳаллий қисмида 12 та чуян қуёвчи, 34 та совун ва ёғ ишлаб чиқарувчи, 30 та чарм маҳсулотлар тайёрловчи, ва 37 та кулолчилик корхоналари фаолият юритган. Бундан ташқари 7 та шойи тўқиш, 188 та бўйра тўқиш, 17 та хомсурп,



3 та шойи рўмол, 4 та олача, 27 та адрас тўқиш фабрикалари мавжуд бўлган[8.30-31].

1896 йилда Самарқанд вилоятидаги 20 та пахта тозалаш заводларининг 6 таси буғ билан, 3 таси керосин мотор билан, 1 таси от ёрдамида ва 10 таси сув кучи билан ҳаракатга келтирилган. Барча заводларнинг жиҳозланиши эса: 69 та жин, 3 та гидравлик ва 17 та қўл кучи билан ишлайдиган тахтакачлардан иборат бўлган. Бу заводларнинг 8 таси Самарқанд уездида, 6 таси Каттақўргон уездида, 5 таси Хўжанд ва биттаси Жиззах уездида жойлашган эди.

Ўлка иқтисодиётида пахта тозалаш ва ёғ ишлаб чиқариш саноатининг бошқа тармоқларга нисбатан капиталнинг миқдори, ишлаб чиқариш жараёнининг марказлашуви даражаси ва ишнинг ташкил этилиши жиҳатидан анча илгарилаб кетган. Пахта тозалаш ва ёғ заводларининг маҳсулотларига талабнинг тобора ошиб боришини кўрган бошқа хусусий корхоналар эгаларининг кўпчилиги ўзларини бу соҳага урганлар. Дастлаб ёғ заводлари пахта заводларидан бўлак қурилган бўлса, кейинчалик улар бирлаштирилиб ягона комплексни вужудга келтирган.

Саноатнинг бу тармоқлари метрополиянинг ривожланиб келаётган тўқимачилик, ёғ-мой ва сунъий матолар ишлаб чиқариш саноати билан яқин алоқада бўлган. Натижада ўлкага рус ва чет эл капиталининг келиши янада тезлашиб, янги заводлар қуришга эътибор кучайиб борган.

Самарқанд вилоятида пахта савдоси билан асосан, Ярославль катта мануфактураси, Познан, Шлосберг, Миндор ва Стахович фирмалари ва банклар шуғулланган[10.61]. Ўлкада ташкил этилган давлат банклари, хусусий

ишбилармонлар ва банкларнинг элликлар бўлимлари пахта етиштириш ва харид қилишга маблағларини сарфлаб, катта даромад олганлар. Яъни, сарфланган капиталлар икки-уч баробар қайтиб келган. Ўлкада етиштирилган пахтанинг деярли ҳаммаси хом ашё сифатида Россияга олиб кетилган.

Ўлкада савдо ва саноат корхоналарининг сони маҳаллий мулкдорларнинг рус ва чет эл капитали билан ҳамкорлигининг кучайиши натижасида мунтазам равишда кўпайиб борди.

Хуллас, ўлкада капиталистик муносабатларнинг кириб келиши ва иқтисодий муносабатларнинг ривожланиши натижасида ўз ҳақ-хуқуқларини таний бошлаган ва тижорат ишини ўзлаштиришга интилган миллий буржуазия ҳам қаддини ростлаб борди.

Россия империяси манфаатларини назарда тутган саноатлаштириш жараёни бутун Туркистонга, жумладан Самарқанд аҳолиси ҳаётига ҳам жуда катта ўзгаришларни олиб келди.

Биринчидан, саноатлаштириш натижасида кўплаб хунармандлар ишсиз қолиб, саноат корхоналарида оддий ишчига айланиб қолдилар;

Иккинчидан, аҳоли эҳтиёжи учун зарур бўлган моллар рус саноат маҳсулотлари эвазига қондирила бошланди. Бу эса ўз навбатида маҳаллий хунармандларнинг синишига олиб келди. Чунки, маҳаллий хунармандлар томонидан тайёрланадиган маҳсулотларнинг хом-ашёсидан тортиб, то тайёр бўлгунча кетадиган ҳаражатлар рус саноат маҳсулотлари таннархидан ошиб кетар эди;

Учинчидан, хунармандлар қанчалик сифатли маҳсулот тайёрламасинлар,



барибир саноат корхоналари даражасида тезкор фаолият юрита олмас эдилар. Бу эса

хунармандларни маҳаллий бозордан сиқиб чиқарилишига сабаб бўлди дейиш мумкин.

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. Саидқулов Т.С. Самарканд во второй половине XIX – начале XX веков. Самарканд, 1970. С.130.
2. Марков Е. Россия в Средней Азии. В книге: Очерки путешествия по Закавказью, Бухаре, Самаркандской, Ташкентской и Ферганской областям, Каспийскому морю и Волге. Том II. – Спб, 1901. – С. 278.
3. Арандаренко Г. Из Самарканда. Корреспонденция «Туркестанские ведомости», №22, 1880.
4. Обзор Самаркандской области за 1893 год. – Самарканд, 1894. – С. 108-111.
5. Обзор Самаркандской области за 1913 год. – Самарканд, 1914. – С. 127.
6. Обзор Самаркандской области за 1900 год. – Самарканд: Типография “Товарищества”, 1894. – Приложение №5.
7. Обзор Самаркандской области за 1905 год. – Ташкент: Типография газеты “Среднеазиатская жизнь”, 1906. – Приложение №7.
8. Курахмедов А.Э. XIX аср иккинчи ярми – XX аср бошларида Самарканднинг иқтисодий ва маданий ҳаёти. – Тошкент: Фан, 2009. – Б. 22.
9. Вирский М. Хлопководство и хлопковая промышленность в Самаркандской области ... – С. 75-76.
10. Нормуродова Г.Б. XIX аср охири ва XX аср бошларидан Самарканд вилояти аҳолиси. – Самарканд, 2010. – Б. 61.